

Ақийда дарслари (155-дарс). Дуо: Қалб ва ҳисларнинг уйғоқлиги



19:30 / 25.10.2021 4989

Араб тилида «дуо» сўзи чақириниш, сўраш маъноларини англатади.

Кўпинча «дуо» ва «бир нарсани талаб қилиш» маънолари бир-бирига аралашиб кетади.

Шунинг учун талаб нима-ю, дуо нима эканини аниқ билиб олиш алоҳида маъно касб этади.

Талаб сўровчи нутқ қиладиган лафзнинг васфидир: «Менга тилаган нарсамни бергин», каби.

Дуо эса сўровчида пайдо бўладиган нафсий ҳолатдир. Мазкур нафсий ҳолат икки нарс билан: қалб ва ҳисларнинг уйғоқлиги ҳамда улардан ҳар

бирининг синиқлик ва хокисорлик ила Аллоҳ таолога юзланиши билан ва яна дуо қилувчининг ўзи қилган гуноҳлари учун Аллоҳ таолога сидқидилдан тавба қилишни бошлаши билан бўлади.

Ҳа, дуо қилинаётган пайтда қалб ва ҳисларнинг уйғоқлиги ҳамда уларнинг ҳар бирининг синиқлик ва хокисорлик ила Аллоҳ таолога юзланиши бўлмаса, одатга кўра икки қўлни кўтариб, тилга келган талаб сўзлари такрорланаётган бўлади. Бундай вақтларда қалб ғофил бўлиши, тилда бир гап, хаёлда бошқа гап бўлиши ҳам мумкин. Албатта, бу ҳолатни дуо деб бўлмайди.

Бас, шундай экан, бу ишни қилаётган одамни «Фалончи Аллоҳ таолодан сўрамоқда» дейишимиз мумкин, аммо «Фалончи Аллоҳ таолога дуо қилмоқда» дея олмаймиз.

Аллоҳ таоло Исро сурасида:

الْوَيْسُخُجَاءِ اَمْ سَأَلْتَهُ لَوْ اَوْغَدْتُمْ اَمْ اَيَّ اَنْ مَحْرَجًا اَوْغَدَا وَاَلَّا اَوْغَدَا لِقِ
الْيَبَسَ كَلِّدَنْ يَبَغْتَبْ اَوْ اَوْبُتْ فَاخْتِ اَلْوَاكِلَاتِ اَلصَّبْرَةَ حَتَّ

«Сен: «Аллоҳга дуо қилинглр ёки Роҳманга дуо қилинглр - қай бирига дуо қилсангиз ҳам, барибир. Энг гўзал исмлар Уникидир», деган (110-оят).

Ривоятларда келишича, бир куни Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ё Аллоҳ! Ё Роҳман!» деб дуо қилаётганларини мушриклар эшитиб қолиб, дарҳол: «Муҳаммад якка худоликка чақирар эди, ўзи бўлса иккита худога дуо қилмоқда», деб гап тарқатишибди.

Уларнинг бу жоҳилона тушунчаси ва тасарруфининг жавобига ушбу оят нозил бўлган экан. Бу оятда мазкур нотўғри тушунча ва тасарруф тўғриланмоқда.

«Аллоҳга дуо қилинглр ёки Роҳманга дуо қилинглр - қай бирига дуо қилсангиз ҳам, барибир».

«Аллоҳ», «Роҳман» исмлари икки хил бўлгани билан соҳиби бир зот. Исм кўпайса, Зот ҳам кўпайиб қолмайди.

«Энг гўзал исмлар Уникидир».

Аллоҳ таоло Ғофир сурасида:

يَتَدَابِعُ عَنْ نَوْرِبُكَّتْ سَيَّ نِي دَلَّاسِنَا مُكَلِّبِجَتْ سَأَي نُوغْدَا مُكَبَّرَ لِقَو
نِي رِخَادَمَّ نَهَجَ نُوْلُخْ دَيَّ سَ

«Роббингиз деди: «Менга дуо қилинг, сизга ижобат қилурман», деган (60-оят).

Аллоҳ таоло Бақара сурасида:

نَاغْدَا إِذْ عَادَلَا عَوَّ دُ بِيحُأُ بِي رَقَّ يِّنْ إِفَّ يِّنْ عَ يَدَابِعَ كَلَّ أَسْ إِذْ
نَوْدُشَرَيَّ مَوْلَعَلَّ يَبْ أُونُ مَوْيَلَّ وَيْلُ أُوْبِيحَتْ سَيَّ لَفَّ

«Қачонки, бандаларим сендан Мен ҳақимда сўрасалар, бас, албатта, Мен яқиндирман. Дуо қилувчи дуо қилганда, дуосини ижобат қилурман», деган (186-оят).

Аллоҳ таоло Аъроф сурасида:

نِي دَتَّ غَمْلَا بِحُيَّ آلُ هُنَّ إِهَيَّ فُحَّ وَ أَعْرَضَتْ مُكَبَّرَ أَوْغْدَا

«Роббингизга тазарруъ ила ва махфий дуо қи-линг. Зотан, У ҳаддан ошувчиларни севмас», деган (55-оят).

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло мўмин бандаларига дуо қилиш одобларини ўргатмоқда. Дуода тазарруъ – ёлвориш ва махфийлик бўлиши зарурлигини таъкидламоқда.

Худди шу маъно Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида ҳам ўз ифодасини топган.

Имом Бухорий ва имом Муслим Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда қуйидагилар баён қилинади:

«Одамлар баланд овоз билан дуо қилган эдилар, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй одамлар, ўзингизга шафқат қилинг, сизлар кар ёки ғайбга дуо қилаётганингиз йўқ. Сиз дуо қилаётган Зот энг яхши эшитувчи ва энг яқин Зотдир», дедилар».

Нуъмон ибн Башир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Дуо ибодатдир», дедилар ва «Ва Роббингиз: «Менга дуо қилинглар, сизга ижобат қилурман. Албатта, ибодатимдан такаббурлик қиладиганлар тезда жаҳаннамга бўйин эгган ҳолларида кирурлар»ни қироат қилдилар».

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Ушбу ривоятда келтирилган ояти каримада дуо маъноси ибодат маъноси билан бир хилда ишлатилган. Бинобарин, дуонинг ибодат эканини Аллоҳ таолонинг Ўзи бандаларига билдирмоқда.

عَنْهُ جَلَّ لِضَرَّةِ رَبِّهِ بِأَنْ
عَلَّ عَمَّ كَأَيْ شَسَّيْلَ «لَأَقَمَّ لَسَوْوَهَيْلَعُ جَلَّ لِضَرَّةِ رَبِّهِ بِأَنْ
عَلَّ عَمَّ كَأَيْ شَسَّيْلَ».
مَكَاحُ لَأَوْ دَمَّ حَأَوْ يَذْمُرَّتْ لَأَوْ هَأَوْ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ таолонинг наздида дуодан кўра мукаррамроқ нарса йўқ», дедилар».

Термизий, Аҳмад ва ал-Ҳоким ривоят қилишган.

Шунинг учун банда Аллоҳга кўпроқ дуо қилмоғи лозим.

عَلَّ عَمَّ كَأَيْ شَسَّيْلَ «لَأَقَمَّ لَسَوْوَهَيْلَعُ جَلَّ لِضَرَّةِ رَبِّهِ بِأَنْ
عَلَّ عَمَّ كَأَيْ شَسَّيْلَ».
مَكَاحُ لَأَوْ دَمَّ حَأَوْ يَذْمُرَّتْ لَأَوْ هَأَوْ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Дуо ибодатнинг мағизидир», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Бундан англашиладики, дуосиз ибодат мағизсиз ибодат бўлади, яъни қадри паст бўлади. Чунки ҳадисда таъкидланган маънога кўра, ибодат фақат дуо билан қадрлидир. Яъни банданинг уйғоқ қалб билан, ҳокисорлик ила Аллоҳга илтижо қилиши (дуо) унинг ибодатига мазмун беради.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди